




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ  
ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Тренинг

# Оилавий бюджетни шакллантириш. Маиший гигиена учун ажратиладиган харажатларнинг аҳамияти






## **Оилавий бюджет – бу муайян давр учун (кўпинча бир ой ёки бир йил) молиявий режа**

Оилавий бюджет қуйидагилар учун ҳисобланади:

1. Оиланинг молиявий аҳволини назорат қилиш
2. Молиявий мақсадларга эришиш (квартира, машина сотиб олиш, таътилга чиқиш, таълим олиш ва бошқалар)
3. Оилани молиявий ҳимоя қилиш (пул маблағларини захира фонди, инвестициялар ва пенсия жамғармалари шаклида йиғиб бориш)




**Оиланинг даромад ва харажат баланси** – бу оила  
харажатларини олинган даромад билан ҳисоблаш ва  
таққослашдир

Оила даромадлари ва харажатлари балансини  
ҳисоблаш натижасида оила бюджетининг камомади  
(тақчиллиги) ёки жамғармаси (ортиғи) аниқланади

# ОИЛАНИНГ ПУЛ ШАКЛИДАГИ ДАРОМАДЛАРИ



- Иш ҳақи (асосий иш жойида, ўриндошлиқ асосида ёки ўз фирмасида ишлагани учун)
- Якка тартибдага меҳнат фаолиятидан олинган даромад
- Бизнесдан олинган даромад
- Акциялар бўйича дивиденdlар
- Банк омонатлари бўйича фоизлар
- Кўчмас мулк (квартира, далаҳовли, гараж ёки автомобиллар) ни ижарага беришдан олинадиган даромад
- Кўчмас мулк (квартира, далаҳовли, гараж ёки автомобиллар) ни сотишдан олинган даромад
- Шахсий буюмларни сотишдан олинган даромад
- Уй хўжалиги томорқасида етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олинган даромад.
- Стипендия
- Пенсия
- Бола парвариши учун нафақа ва кам таъминланган оилаларга тўлаб бериладиган моддий ёрдам
- Алиментлар
- Қариндошлар ва яқин инсонларнинг моддий ёрдами
- Совғалар
- Соврин, ютуқлар
- Қайтариб берилган солиқлар
- Грантлар
- Мерос олиш



**Харажат** – бу муайян мақсадлар учун сарфланадиган харажат, қиймат, истеъмол қилишдир



# Харажатларнинг муҳимлигига кўра турлари

1. Зарурий ёки мажбурий
2. Истакларни қондириш ва завқ олиш учун сарфланадиган харажатлар
3. Жамиятдаги юқори мавқега мос «обрўли» харажатлар
4. Ортиқча харажатлар



## Харажатларнинг даврийлигига кўра турлари

**Мунтазам харажатлар** – ойлик (озиқ-овқат, коммунал хизматлар, транспорт, телефон ва бошқалар) ёки йиллик (солиқлар, суғурта, таълим учун тўловлари, таътилга чиқиш)

**Ўзгарувчан харажатлар** – доимий бўлмаган, зарурат юзасидан ёки режа асосида сарфланадиган харажатлар (кийим-кечак, пойафзал, косметика, таъмирлаш, майший техника ва бошқалар)

**Мавсумий харажатлар** – қишки мавсумга озиқ-овқат захиралаш, мавсумий кийим-кечак сотиб олиш, ўқув йилига тайёргарлик кўриш харажатлари ва бошқалар

**Кутилмаган харажатлар** – кутилмагандага, режасиз пайдо бўладиган харажатлар



### **1-амалий машғулот**

Оилавий бюджетни ҳисобланг, даромад ва  
харажатлар балансини тайёрланг

### **2-амалий машғулот**

Харажатларни устуворлигига кўра бўлиб чиқинг

### **3-амалий машғулот**

Уй хўжалигидаги коммунал-маиший шароитларни  
яхшилаш учун харажатларни ҳисобланг

# МАСЛАҲАТ ВА ТАВСИЯЛАР

- 
- 1 Фаровонлик даражасини яхшилашнинг энг маъқул усули – харажатларни назорат қилишни ўрганишdir. Энг муҳими, ҳеч нарсани йўқотмаган ҳолда, қайси харидлар зарурлиги ва қайси биридан (ширинликлар сотиб олиш ёки телефон ва интернетга назоратсиз пул сарфлаш) воз кешиш мумкинлигини тушуниш
  - 2 Бюджетни тўғри назорат қилиш учун ҳар куни оддий иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш, яъни кундалик харажатлар миқдорини ҳисоблаш ва ушбу харажатлар миқдорига риоя қилишга ҳаракат қилиш керак
  - 3 Ҳеч қачон бир вақтнинг ўзида барча харажатларни тежаманг, чунки соғлик, овқатланиш, таълим ва бошқа шу каби харажатларни тежаш мумкин эмас



## МАСЛАҲАТ ВА ТАВСИЯЛАР

- 4** Керакли дезинфекция, ювиш ва гигиена воситалари рўйхатини тузинг, уларни мажбурий ойлик харажатлар турига киритинг
- 5** Уйингиздаги майший гигиенанинг қайси жиҳатларини биринчи навбатда яхшилаш кераклигини аниқланг (жорий таъмир). Оилавий бюджетдан уй хўжалигингиздаги майший гигиена шароитларини қисқа ва узоқ муддатда (косметик ва капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қурилиш ишлари) яхшилаш учун маблағ ажратишни режалаштиринг

# ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСЛАРИ

Агар оила бюджетидан:

- ювиш, дезинфекциялаш ва гигиена воситалари
- уй хўжалигингиздаги майший гигиенани яхшилаш
- майший гигиена шароитларини яхшилаш учун муҳандислик-техник коммуникацияларни жорий ва капитал таъмирлаш
- таълим даражасини, шу жумладан гигиена саводхонлиги даражасини ошириш, ўзлаштирилган билим ва кўнкимларни оилангизнинг бошқа аъзоларига етказиш учун мунтазам равишда маблағ ажратсангиз



**СОҒЛИҒИНГИЗ ВА ОИЛАНГИЗ ФАРОВОНЛИГИ  
КАФОЛАТИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**